XALQ DEPUTATLARI G’ALLAOROL TUMANI KENGASHI
QARORI

2023 - yil 29 - aprel VI-53-50-3-45-K/23 G‘allaorol tumani hokimligi

“Темир дафтар” ҳамда “Саховат ва кўмак” жамғармалари маблағлари ҳисобидан ёрдам кўрсатиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 апрелдаги ““Маҳалла” фонди республика бошқаруви, фонднинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимлари, туман ва шаҳар бўлинмалари ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда “Саховат ва кўмак” жамғармаси ташкил этиш тўғрисида”ги 213-ф-сонли фармойиши қабул қилиниб, Жамғарма маблағларини сарфлаш, тасарруф этиш Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) Кенгашларининг қарорлари асосида амалга оширилиши белгиланган.

Жамғарма маблағлари коронавирус пандемияси ва карантин даврида ижтимоий ҳимояга муҳтож, кўп фарзандли оилаларга, ногиронлиги бўлган шахсларга ва ёлғиз қарияларга, ўз даромадини йўқотган вақтинча ишсиз бўлган шахсларга пул маблағлари, кундалик истеъмол товарлари, дори воситалари ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлаш учун ишлатилади.

Туманда сектор раҳбарлари тегишли маҳалла фуқаролар йиғинлари билан биргаликда оилаларни, фуқароларни моддий аҳволини ўрганиб ёрдам кўрсатиладиган эҳтиёжманд оилалар рўйхати ва уларга берилиши керак бўладиган маблағлар, кундалик истеъмол товарлари, дори воситалари ва бошқа маҳсулотлар ҳажмини шакллантириб, йиғилган маълумотларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига тақдим қилади.

Юқоридагиларга кўра, “Темир дафтар” ҳамда “Саховат ва кўмак” жамғармалари маблағларини мақсадли ва манзилли сарфлаш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 213-ф-сонли фармойишининг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги” Қонунининг 6, 24-моддаларига мувофиқ халқ депутатлари туман Кенгаши

қ а р о р қ и л а д и:

1. Ғаллаорол тумани ҳокимлигининг 2023 йил 23 мартдаги № 03-сонли хати маълумот учун қабул қилинсин ва маъқуллансин.

2. Ғаллаорол тумани ҳокимлигининг “Темир дафтар” жамғармаси

ҳисобидан 433 656 635 (тўрт юз ўттиз уч миллион олти юз эллик олти минг олти юз ўттиз беш) сўм ҳамда “Саховат ва кўмак” жамғармаси ҳисобидан 21 650 000 (йигирма бир миллион олти юз эллик минг) сўм, жами 455 306 635 (тўрт юз эллик беш миллион уч юз олти минг олти юз ўттиз беш) сўм маблағларни иловага мувофиқ рўйхатдаги фуқароларга тақсимлаш юзасидан таклифи маъқуллансин.

3. “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси (А.Жумабоев)га “Темир дафтар” ҳамда “Саховат ва кўмак” жамғармаларидан ажратилаётган маблағлардан самарали фойдаланиш ҳамда сифатли ва арзон маҳсулотлар харид қилиш мақсадида амалдаги қонунчилик талабларидан келиб чиқиб белгиланган тартибда салоҳиятли тадбиркорни танлаш учун тегишли танлов ўтказиш ва ғолиб тадбиркорлик субъекти билан шартнома имзолаш мажбурияти юклатилсин.

4. Жамғарма маблағларининг мақсадли ишлатилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармасининг ҳудудий бошқармасига юклатилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижро этилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Т.Қўчқоров, туман камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими бошлиғи З.Усмонов ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашининг доимий комиссиялари зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Ж.Оқбоев**

Xalq deputatlari G‘allaorol tuman
Kengashining
2023 yil 29 apreldagi
VI-53-50-3-45-K/23-son qaroriga
1-ilova

“Темир дафтар” ҳамда “Саховат ва кўмак” жамғармалари маблағлари ҳисобидан ёрдам кўрсатиш

ТАҚСИМОТИ

1. “Темир дафтар” жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

- Маданият қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи “Темир дафтар” рўйхатида турувчи фуқаро Тошқулова Баҳорага даволаниши учун 1 200 000 (бир миллион икки юз минг) сўм;

- туманда “Темир дафтар”да турувчи фуқаролар хонадонларига қуёшли сув иситиш коллекторлари ўрнатиш учун “SOLAR MODERN” МЧЖга шартнома асосида танлов баённомасига асосан 375 032 000 (уч юз етмиш беш миллион ўттиз икки минг) сўм;

- туманда “Темир дафтар”да турувчи фуқароларга Наврўз байрами муносабати билан озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатиш учун “ЯТТ Қўчқорова Сожида”га шартнома асосида танлов баённомасига асосан 47 400 000 (қирқ етти миллион тўрт юз минг) сўм;

- Қипчоқсув қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи “Темир дафтар” рўйхатида турувчи фуқаро Бегматова Наргизага жарроҳлик амалиётини амалга ошириши учун 2 539 000 (икки миллион беш юз ўттиз тўққиз минг) сўм Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази ҳисоб рақамига ўтказиб бериш;

- Қипчоқсув қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи “Темир дафтар” рўйхатида турувчи фуқаро Ботиров Илхомга даволаниши учун 1 200 000 (бир миллион икки юз минг) сўм;

- Кўкбулоқ қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи “Темир дафтар” рўйхатида турувчи фуқаро Эшматова Анорнинг фарзанди Эшматова Маликанинг ўқиши учун тўлов контракт суммасининг 50 % ини тўлаш учун 3 885 635 (уч миллион саккиз юз саксон беш минг олти юз ўттиз беш) сўм;

- Гулистон қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи “Темир дафтар” рўйхатида турувчи фуқаро Файзуллаев Сафарга даволаниши учун 1 200 000 (бир миллион икки юз минг) сўм;

- Қашқабулоқ маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи “Темир дафтар” рўйхатида турувчи фуқаро Пармонов Акбарга даволаниши учун 1 200 000 (бир миллион икки юз минг) сўм.

2. “Саховат ва кўмак” жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

- Ғ.Ғулом маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Тошбоева Мавлудага даволаниши учун 1 500 000 (бир миллион беш юз минг) сўм;

- Сарбозор маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро, 2-гуруҳ ногирони Хайдаров Авазбекга махсус юриш мосламаси (ролатор) ясатиш учун 1 250 000 (бир миллион икки юз эллик минг) сўм маблағ шартномага асосан “Сайқал” хусусий корхонасига ўтказиб бериш;

- Мулкуш қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи кам таъминланган ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаро Худойқулов Қаршибойга коммунал тўловлардан қарздорлигини қисман қоплаб бериш учун табиий газ тўловлари қарздорлиги учун 1 000 000 (бир миллион) сўм, электр энергиясидан қарздорлигини қоплаш учун 1 000 000 (бир миллион) сўм маблағларни туман газлаштириш идораси ҳамда туман электр тармоқлари корхонаси ҳисоб рақамларига, жами 2 000 000 (икки миллион) сўм ўтказиб бериш;

- Рамазон ойи муносабати билан кам таъминланган ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатиш учун “ЯТТ Ризқулов Арзиқул”ги шартнома асосида 6 300 000 (олти миллион уч юз минг) сўм;

- Бахт маҳалла фуқаролар йиғинида ёлғиз яшовчи фуқаро Мухаммадиева Суймахолга даволаниши учун 2 200 000 (икки миллион икки юз минг) сўм;

- Рамазон ойи муносабати билан кам таъминланган ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни ички ва ташқи туризмни ривожлантириш мақсадида Самарқанд шаҳрига саёҳатга олиб боришга транспорт харажатлари учун “Ало престиж сервис” МЧЖга 7 200 000 (етти миллион икки юз минг) сўм;

- Нурафшон маҳалла фуқаролар йиғинида ёлғиз яшовчи фуқаро Жўрабоев Туропга даволаниши учун 1 200 000 (бир миллион икки юз минг) сўм.